

5. Ущев Ф.А., Чиркова С.С. Инвестиции, экономический рост и конвергенция в России и в мире: эконометрический подход [Текст] // Финансы и бизнес. – 2008. - №1.
6. Кейнс Дж. Общая теория занятости, процента и денег. – М.: Гелиос АРВ. – 2002.
7. Вахрин П.И., Нешитой А.С. Инвестиции [Текст]: учебник. – М.: Дашков и К°. – 2005.
8. Федулова Е.А., Мещерякова Н.А. Оценка влияния факторов инвестиционного климата на инвестиционную активность региона (на примере Кемеровской области): монография. – Кемерово, 2014. – 115 с.
9. Кобзарь А.И. Прикладная математическая статистика. [Текст]. – М.: ФИЗМАТЛИТ. 2006.
10. Сизова Т.М. Статистика: учебное пособие [Текст]. СПб.: СПб ГУИТМО, 2005. – 127 с.
11. [www.stat.uz](http://www.stat.uz) - Государственный комитет РУз по статистике.



### ИНВЕСТИЦИОН САЛОҲИЯТНИ БОШҚАРИШДА ИННОВАЦИОН ОМИЛ НАТИЖАВИЙЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ СОЛИҚ ДАСТАКЛАРИ

**Кузиева Наргиза Рамазановна -**  
Тошкент молия институту профессори,  
иқтисодиёт фанлари доктори

doi: [https://doi.org/10.55439/ECED/vol23\\_iss5/a11](https://doi.org/10.55439/ECED/vol23_iss5/a11)

**Аннотация:** Мазкур мақолада Ўзбекистон Республикасида иқтисодиёт эркинлашуви ва модернизациясининг ҳозирги босқичида инвестицион салоҳиятни бошқаришда инновацион омил натижавийлигини таъминлаш солиқ дастаклари натижавийлигини таъминлаш солиқ дастакларининг назарий асослари, уни таъминлашнинг услугий асослари ва иқтисодий самарадорлиги мезонлари тадқиқ этилган. Мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланиши истиқболларида инвестицион салоҳиятни бошқаришда инновацион омил таъсирчанлигини оширишнинг концептуал асослари кўриб чиқилган. Ўзбекистон Республикасида инвестицион салоҳиятни бошқаришда инновацион омил таъсирчанлигини оширишмеханизмини такомиллаштириш имкониятлари тадқиқ этилган ҳамда тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Калим сўзлар:** солиқ дастаклари, инвестициялар, инвестицион салоҳият, инвестицион салоҳиятни бошқариш, инновация, инновацион фаолият, инвестицион салоҳиятни бошқаришнинг инновацион омиллари, инвестицион-инновацион фаолиятни қўллаб-қувватлаш, инвестицион-инновацион тараққиёт.

### НАЛОГОВЫЕ РЫЧАГИ ОБЕСПЕЧЕНИЯ РЕЗУЛЬТАТИВНОСТИ ИННОВАЦИОННОГО ФАКТОРА В УПРАВЛЕНИИ ИНВЕСТИЦИОННЫМ ПОТЕНЦИАЛОМ

**Кузиева Наргиза Рамазановна -**  
Профессор Ташкентского финансового института,  
доктор экономических наук

**Аннотация:** В данной статье рассмотрены теоретические основы налоговых рычагов обеспечения результивности инновационного фактора в управлении инвестиционным потенциалом, методические основы его обеспечения на современном этапе либерализации и модернизации экономики в Республике Узбекистан и исследуются критерии экономической эффективности. Рассмотрены концептуальные основы повышения эффективности инновационного фактора управления инвестиционной сферой в перспективах социально-экономического развития страны.

**Ключевые слова:** налоговые рычаги, инвестиции, инвестиционный потенциал, управление инвестиционным потенциалом, инновации, инновационная деятельность, инновационные факторы управления инвестиционным потенциалом, поддержка инвестиционно-инновационной деятельности, инвестиционно-инновационное развитие.

### TAX LEVERAGES TO ENSURE THE PERFORMANCE OF THE INNOVATIVE FACTOR IN INVESTMENT POTENTIAL MANAGEMENT

**Kuzieva Nargiza Ramazanovna -**  
Professor of the Tashkent Financial Institute,  
Doctor of Economics

**Abstract:** This article discusses the theoretical foundations for increasing the efficiency of the innovation factor in the management of the investment sphere, the conceptual foundations for its provision at the present stage of liberalization and modernization of the economy in the Republic of Uzbekistan, and examines the criteria for economic efficiency. The conceptual foundations for increasing the effectiveness of the innovative factor in the management of the investment sphere in the prospects for the socio-economic development of the country are considered. The possibilities of improving the mechanism for increasing the efficiency of the innovation factor in the management of the investment sphere of the Republic of Uzbekistan have been studied and recommendations have been developed.

**Keywords:** investments, investment potential, investment potential management, innovations, innovative activity, innovative factors of investment potential management, support of investment and innovative activities, investment and innovative development.

**Кириш.** Ҳозирги кунда инвестицияларнинг фойдасиз туриб қолиши ёки инвестициядан самаравали фойдаланишда юзага келадиган риск даражаларини аниқламаслик оқибатида ишлаб чиқариш жараёнининг тўлиқ қувват билан ишлашининг чегараланиб қолиши каби муаммоларни олдиндан кўра билиш ва илмий асосланган чора-тадбирлар ишлаб чиқиш, корхона фаолиятининг барқарор ўсишини, глобал рақобатбардошлиқка эришишини таъминлаш – инвестицион салоҳият шаклланиши ва уни бошқариш самарадорлигига таъсир этувчи омилларни чуқур ва ҳар томонлама таҳжил қилишни, улар орасидаги миқдорий боғланишларни аниқлашни тақозо этмоқда.

Бугун биз давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларини тубдан янгилашга қаратилган инновацион ривожланиш йўлига ўтмоқдамиз. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки замон шиддат билан ривожланиб бораётган ҳозирги даврда ким ютади? Янги фикр, янги ғояга, инновацияга таянган давлат ютади. Биз буюк келажагимизни барпо этишни бугундан бошлайдиган бўлсан, уни айнан инновацион ғоялар, инновацион ёндашув асосида бошлашимиз керак. Иқтисодиётда бошқарув тизими эскиргани, инновацион ғояларни қўллаб-қувватлаш бўйича самаравали механизмлар ўз вақтида жорий қилинмагани жиддий муаммо бўлиб қолмоқда. Шунингдек, технологик қолоқлик, ресурс ва энергияни тежайдиган технологиялар, муқобил энергия манбаларини татбиқ этишнинг сустлиги иқтисодий тараққиёт йўлида тўсиқ бўлмоқда [1].

Илм-фан ва техника ютуқларини кенг қўллаган ҳолда иқтисодиёт тармоқларига, ижтимоий ва бошқа соҳаларга замонавий инновацион технологияларни тезкор жорий этиш Ўзбекистон Республикаси жадал ривожланишининг муҳим шарти ҳисобланади. Жамият ва давлат ҳаётининг барча соҳалари шиддат билан ривожланаётгани ислоҳотларни мамлакатимизнинг жаҳон цивилизацияси етакчилари қаторига кириш йўлида тез ва сифатли илгарилашини таъминлайдиган замонавий инновацион ғоялар, ишланмалар ва технологияларга асосланган ҳолда амалга оширишни тақозо этади [2].

«Янги Ўзбекистоннинг 2022–2026 йилларга мўлжалланган Тараққиёт стратегияси лойиҳасида»[3]да инвестицион салоҳиятни шакллантириш ва бошқаришни яхшилаш орқали хорижий сармояларни фаол жалб этиш, жалб қилинган хорижий инвестициялар ва кредитлардан самаравали фойдаланиш каби вазифалар белгилаб берилди. Ушбу вазифалар инвестицион салоҳиятни самаравали бошқаришга оид илмий асосланган таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқиша мухим аҳамият касб этади. Шу сабабли инвестицион салоҳият ва унга таъсир этувчи янги омил-

ларни ўрганиш ҳозирги замон фанининг янги ва мураккаб тадқиқ предмети сифатида намоён бўлмоқда. Шу билан бирга инвестицион салоҳиятни бошқаришда инновацион омил натижавийлигини таъминлаш солиқ дастакларининг назарий-методологик базаси ҳали етарли даражада тизимлаштирилмаган ва у асосан ишлаб чиқариш комплекслари, иқтисодий районлаштириш, ишлаб чиқариш кучларини ривожлантириш ва жойлаштириш концепцияларига асосланниб қолмоқда. Бу иқтисодиётни модернизация ва диверсификация қилиш бўйича стратегик қараш ва дастурий чора-тадбирлар ишлаб чиқиш нуқтаи-назаридан ушбу масаланинг методологик ва амалий жиҳатларини тадқиқ қилишнинг зарурлигини кўрсатмоқда.

**Адабиётлар таҳдили.** Иқтисодий адабиётларда инвестицион салоҳият сифатида турли тушунчалар талқин қилинмоқда.

Дж.Д.Дэниелс ва Ли.Х.Радеба таъкидлашларича, “Инвестицион салоҳият – авваломбор, мавжуд бизнес муҳитини баҳолайдиган, инвестиция киритиш истагида ёки ҳамкорликнинг бошқа шакли учун мақбул маконни танлашнинг муҳим мезонидир”[4].

Дж.Доунс ва Г.Эллиот фикрича, “Инвестицион салоҳият – инвестициялар самарадорлигига таъсир кўрсатувчи иқтисодий, молиявий ва бошқа шароитлар ёрдамида улардан максимал даражада фойдалана олиш қобилиятидир”[5].

Л.Гитман, М.Джонк таърифига кўра, “Инвестицион салоҳият – инвестициялардан фойдаланишининг имкониятларини баҳоловчи, амалда фойдаланилаётган ва ўзлаштирилиши самара бериши кутилаётган молиявий маҳсулотлар”[6].

Бизнинг фикримизча, «Инвестицион салоҳият – инвестицияларнинг оқимини белгиловчи, таъминловчи, кафолатловчи ва инвестиция фаоллиги билан баҳоланадиган объектив иқтисодий, ижтимоий ва табиий асослар, воситалар, имкониятлар ва чекловларнинг йиғиндисидир».

Тараққиёт тадқиқотлари Институти (IDS, University of Sussex) вакиллари М.Мур ва Х.Шмитц “инвестицион муҳит ва инвестицион салоҳият тушунчаларини фарқлаш лозимлигини таъкидлашган ва уни асословчи омилларни келтиришган”[7].

И.Балабановнинг фикрига кўра: “инновация – назорат, ҳисоб, режалаштириш усули, таҳлилга қабул қилининг янги шакллаларини қамраб олган ҳолда янги техника ва технологияга, ишлаб чиқариш, меҳнат, хизмат кўрсатиш, бошқаришни ташкил этишнинг янги шаклига капитални киритишдан олинган моддийлашган натижани ўзида намоён этади [8].

А.Борисов инновацияларни қўйидагича таърифлайди: “инновация технологияларнинг

янги турларини ишлаб чиқиш, яратиш ва тарқатиш, янги ташкилий шаклларни жорий этишига қаратилган ижобий фаолият натижасини англатади” [9].

В.Медынский олиб борган изланишлари асосида қуйидаги хуносага келган: “инновация сифатида олиб борилган илмий-тадқиқот ёки аввалгига ўхшаш туридан сифат жиҳатдан фарқ қилувчи янгисининг яратилиши натижасида ишлаб чиқаришга жорий этилган объект тушунилади” [10].

В.Глущенконинг мазкур атамага берган таърифи қуйидагичадир: “инновация – товарлар, хизматлар ва технологияларнинг фирма даражасидаги ташкилий шаклларнинг янги турларини ишлаб чиқиш, тайёрлаш ва тарқатишга йўналтирилган ижодий ва инвестицион фаолият натижасидир” [11].

Р.Фатхутдинов эса “инновация – объектни бошқаришни ўзгартириш ва иқтисодий, ижтимоий, экологик, илмий-техникавий ва бошқа турдаги самарани олиш мақсадида янгиликни жорий этишининг якуний натижаси”, деб баҳолайди [12].

Шунга ўхшаш таърифни В.Попов томонидан ҳам берилган бўлиб, унга кўра: “Инновация – бозорда сотиладиган янги турдаги ёки такомиллашган маҳсулотнинг, амалиётда фойдаланиладиган янги ёки такомиллашган технологик жараённинг амалга оширилишини ҳосил қилувчи инновация фаолиятининг якуний натижаси” дейилган [13].

Р.Гимуш ва Ф.Матмуродловлар томонидан инновация деганда янгилик ва янгилик кириши деган маънони билдиради. Бу янгилик замирида янги тартибни, янги одатни, янги услубни, қашфиётни тушуниш лозим”, дея таъриф берилган [14].

Б.Тошмуродова, Н.Жияновалар фикрига кўра: “инновация тушунчаси ўз ичига фақат техник изланишларни олмасдан, балки корхона иши усулидаги барча яхши ўзгаришларни (янги хизматлар, пастроқ нархлар белгилаш ва бошқа мижозлар учун қулай шароитлар яратиш) олади [15].

**Тадқиқот методологияси.** Мақолада сифат аналитик усувлар, экспертили баҳолаш усули, илмий мушоҳада, абсракт-мантиқий фикрлаш, қиёсий таҳлил ҳамда индукция ва дедукция баҳолаш усуllibаридан фойдаланилди. Экспертили баҳолаш, илмий мушоҳада, абсракт-мантиқий фикрлаш усувлари адабиётлар шарҳида атрофлича қўлланилди. Шунингдек, сифат аналитик, индукция ва дедукция баҳолаш ҳамда қиёсий таҳлил усувлари иқтисодиётни инновацион ривожлантиришда солиқ механизмидан самарали фойдаланиш, шу жумладан инновацион фаолиятни солиқлар воситасида рағбат-

лантиришнинг ҳалқаро тажрибаси ва амалиёти таҳлилида фойдаланилди.

**Таҳлил ва натижалар.** Солиқлар илмий-тадқиқот ва инновация соҳасида миллий корхона ва саноатнинг кўплаб тармоқлари инвестицион фаолигини рағбатлантиришнинг асосий дастакларидан ҳисобланади. Кескин ҳалқаро рақобат ва дунё иқтисодиётини глобаллаштириш жараённини жадаллаштириш шароитида жаҳоннинг бир қатор мамлакатлари, солиққа тортиш тартибини такомиллаштириш йўли билан илмий-тадқиқот ишларини ва энг илғор инновацион корхоналарни ривожлантиришга интилоқда.

Жаҳоннинг аксарият мамлакатларида аввалдан хусусий корхоналар, илмий-тадқиқот муассасаларининг турли ривожланиш даврларида инновацион фаолиятни солиқлар орқали рағбатлантириш йўналишида чора-тадбирлар ишлаб чиқилган ва самарали амал қилиниб келинган. Мазкур мамлакатларда инновацион фаолиятни рағбатлантириш мақсадида солиқ ставкаларини табақалаштириш (имтиёзли солиқ ставкалари), пасайтириш каби тартибга солиши характерига эга бўлган стандарт солиқ чораларидан ташқари, солиқ тўловларини кечиктириш, солиқ базасини камайтириш, солиқ чегирмалари бошқа механизмлардан кенг фойдаланилади.

Жаҳоннинг ривожланган мамлакатларида илмий тадқиқот ишланмаларини солиқлар орқали рағбатлантиришнинг қуйидаги асосий шакллари мавжуд:

Илмий тадқиқот ишланмалари бўйича жорий харажатларни рўйхатдан чиқариш.

Жаҳоннинг аксарият ривожланган мамлакатлари корхоналарга илмий-тадқиқот шланмалар бўйича жорий харажатларини ушбу харажатларни амалга оширилган ҳисобот йилида, чегирладиган харажатлар сифатида чиқариб ташланади.

Айрим мамлакатларда эса ушбу фаолият билан боғлиқ кўрилган зарарнинг солиқ солинадиган фойдани тўлиқ суммасига ёки мазкур зарар суммасини келгуси даврларга тақсимлаб ўтказиш орқали амалга ошириш механизми кўлланилади.

**Қўшимча солиқ чегирмаси.** Илмий тадқиқот ишланмалари боғлиқ фаолият турлари бўйича бизнес учун солиқ юкламасини янада камайтириш ҳисобланади.

Қўшимча солиқ чегирмаси корхоналарга уларнинг илмий тадқиқот ишланмалари харажатларига нисбатан кўп миқдорда солиққа тортиш базасини камайтириш имкониятини беради. Жумладан, фирма фойда олган ҳолда ўзининг солиққа тортиладиган даромадини илмий тадқиқот ишланмалари бўйича харажатларидан

юқори бўлган қийматдан чиқариб, камайтириши мумкин. Ушбу имтиёздан фойдаланиш ҳуқуқи илмий тадқиқот ишланмалари бўйича харожатлар ҳажмини мавжудлиги ёки олдинги дараҷаларга нисбатан уларнинг ўсиши билан аниқланиши мумкин. Бир қатор мамлакатларда илмий тадқиқот ишланмалари бўйича ёки ҳар йилги ҳисоблаб чиқариш миқдорининг максимал қийматига лимитлар амал қиласди.

Хусусан, Буюк Британия, Бельгия ва Данияда салмоқли кўрсаткичлар асосида, Австралия, Австрия ва Венгрияда эса мураккаблаштирилган кўрсаткичлар асосида, яъни салмоқли ва ўсуви кўрсаткичларни ҳисобга олган ҳолда қўшимча солиқ чегирмалари қўлланилмоқда.

Зеро, Буюк Британияда йирик бизнес корхоналари ўз фойдасининг бир қисмини 130 фоизга, кичик бизнесни эса илмий тадқиқот ишланмалари бўйича ўз харожатлари ҳажмидан 200 фоизга тенг бўлган миқдорда солиқ тўлашдан озод этиш имконига эга бўлади.

**Тадқиқот солиқ кредити (ТСК).** Ушбу восита нафақат дастлабки мақсадга йўналтирилган, балки аксарият тадқиқотчиларнинг фикрига кўра, инновацияларнинг солиқли субсидиялашда солиқ имтиёзларининг асосига айланди. У бир нечта мақсадни илмий тадқиқот ишланмаларига, яъни харожатлар таркиби ўзгаришига умумий харожатлар даражасини ушбу харожатларнинг алоҳида тармоқлари ўртасида оширишни кўзда тутади. 1981 йилда АҚШда илк бор амалга киритилган. Фирмаларга фойда солиқидан инновацион фаолиятга солиқ кредити солиқ ставкаси билан белгиланган харожатларнинг бир қисмига фойда солиғи суммасидан ҳисоблаб чиқариш имконини беради. Кўплаб мамлакатларда ушбу чегирмани турлича қўллаш механизмлари мавжуд, лекин асосий фарқлар иккита таркибий қисм – ўз навбатида, базавий харожатлар даражасига нисбатан илмий тадқиқот ишланмаларига харожатлар ўсиши ёки базавий йилда тўлиқ ҳажмда олинадиган фирма харожатларининг асосий қийматида солиқ кредитининг фоиз ставкасидан иборат (асосий йилга нисбатан ўртача – 2, 3 ёки 5 йил). Адабиётда иккинчи турни қисқача қилиб “илмий-тадқиқот ўсуви кредит” (R&D tax incremental credit), биринчисини эса илмий-тадқиқот тўлиқ ҳажмли солиқ кредити (R&D volume based tax credit) деб аталади. Ушбу шакллардан ҳар бирининг ўз устунлик ва камчиликлари мавжуд.

Ўсуви шакл илмий тадқиқот ишланмаларини рағбатлантириш мақсадларига жавоб беради, чунки у илмий тадқиқот ишланмаларига харожатлар ўсишини рағбатлантиради. Илмий тадқиқот ишланмалари харожатларининг асосий даражасини қанчалик яхши танлаш ва аниқлаш муаммоси мавжуд бўлиб, унга нисбатан ха-

ражатлар ўсиши аниқланади ҳамда тадбиркорлар ва солиқ органлари ўртасида кўпроқ мунозараларни юзага келтиради. Ушбу шаклдаги солиқ кредити илмий тадқиқот ишланмаларига харожатлар ўсиши кузатиладиган лойиҳалар босқичида корхоналар учун манфаатли бўлган. Агар илмий тадқиқот ишланмалари харожатлари юқори ва доимий бўлса, корхоналар ушбу имтиёздан фойдаланиши мумкин эмас. Ушбу механизмнинг асосий камчилиги, у фирмаларга манипуляциялаш ва суистеъмол қилиш учун кўпроқ имконият яратади.

Солиқ кредитларининг тўлиқ ҳажмли шаклдаги устунликлари – уни расмийлаштиришда арzonлиги ва оддийлиги ҳисобланади. Илмий тадқиқот ишланмаларига катта харожатларни амалга оширувчи йирик корхоналар солиқ кредитининг ушбу шаклини афзал кўрадилар. Бироқ мазкур шакл давлат учун жуда қимматdir, чунки солиқ кредитларига аризалар ҳар қандай ҳолатда ҳам илмий тадқиқот ишланмаларини амалга оширишга имкони бўлган барча корхоналар беришлари мумкин. Бу эса ўз навбатида давлат бюджетининг солиқ даромадларининг бир қисмидан корхоналар илмий тадқиқот ишланмалари харожатлари қопланади.

Солиқ кредитларини тўлиқ ҳажмли солиқ кредити (масалан, илмий тадқиқот ишланмаларига харожатларнинг асосий миқдорининг 30 фоиз) ва ўсуви солиқ кредити қўшилганда аралаш шакллари (мисол учун, илмий тадқиқот ишланмаларига харожатлар даражасининг кўрсатилган даври учун асосий ўртачага нисбатан 50 фоиз ўсишга) қўлланилади. Жумладан, аралаш шакл Франция, Испания, Португалияда, тўлиқ ҳажмли шакллари эса Италия, Канада, Норвегияда татбиқ этилади.

Илмий тадқиқот ишланмалари билан боғлиқ асосий фондларни амортизациялашнинг маҳсус тартиблари. Одатий амортизация тартиби капитал активлар қиймати ўзининг хизмат кўрсатиш давомида чиқарилишини кўзда тутади.

Илмий тадқиқот ишланмаларига капитал харожатлари билан боғлиқ имтиёзлар уларни амортизациялаш ҳисоб-китобига тегишли. Мазкур имтиёзлар корхоналарга замонавий жиҳозларга маблағларни инвестициялашни рағбатлантиради, бу эса янги маҳсулот ва жараёнларнинг пайдо бўлиши ва ривожланишига кўмаклашади.

Европа Иттифоқи мамлакатлари ва АҚШда илмий тадқиқот ишланмалари билан боғлиқ асосий фондларни маҳсус амортизациялаш тартибининг икки варианти – эркин ва жадаллаштирилган амортизация қўлланилади.

Инновацион солиқ кредити.

Фирма инвестициялари ҳажмини рағбатлантириш билан боғлиқ бу механизм инновациялар учун мухим рағбат бўлиб хизмат қилади, бинобарин, янада янги ахборот технологияларига қаратилган инновациялаш қийматини пасайтиради.

Илмий ходимларнинг иш ҳақига солиқлар бўйича имтиёзлар.

Хусусий инновацион фаолиятни рағбатлантириш тадбиркорнинг иш ҳақига харажатларини қисқартириш орқали амалга оширилади, унинг бир қисми илмий ходимларнинг тадбиркорлик ижтимоий бадаллари каби солиқлар ҳамда даромад ва ижтимоий солиқларни камайтириш ҳисобланади. Бунинг учун солиқ иш ҳақи тадқиқот кредити (*R&D wage tax credit*) каби солиқ воситасидан фойдаланилади.

Япония иқтисодиётининг инновацион ривожланиши илмий-тадқиқот ишлари ва ишланмаларнинг ишлаб чиқариш жараёни билан ўзаро интеграциялашуви жиҳати билан ажralиб туради. Эътиборлиси шундаки, ушбу мамлакат компаниялари жаҳон иқтисодий инқизороз таъсирини четлаб ўтиш учун илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик Ишланмалари (ИТТКИ)га инновацияларни йўналтиришни жадаллаштириш чораларини кўрмокдалар.

Евropa қитъасининг айrim давлатларида интеллектуал мулк обьектлари (патент, номоддий актив) эгалари (муаллифлари) бўлган юридик шахсларнинг мулкий даромадларига корпорация солиғи бўйича имтиёзли ставкаси қўлланилади. Масалан, Голландияда корпорация солиғининг базавий ставкаси 20-25 фоизни таш-

кил этса, корхоналарнинг интеллектуал мулк обьектларидан олинган даромадлари 5 фоизли имтиёзли ставкада солиқقا тортилади.

Кўплаб ривожланган мамлакатларда корхона ва ташкилотларнинг солиқ солинадиган фойдасини аниқлашда ИТТКИларига қилинган харажатлар жами даромад ҳажмидан чегириб ташланади, шу билан бирга инновацион фаолиятни янада рағбатлантириш мақсадида солиқ тўловчиларга қўшимча равища маҳсус солиқ чегирмалари ҳам жорий қилинган.

Малайзияда маҳаллий ишлаб чиқарувчи корхоналарга солиқقا тортиладиган фойдани қўшимча равища яна 100 фоиз (ҳаммаси бўлиб 200 %) миқдорида ИТТКИларга сарфланган харажатларни чегириш ҳуқуки берилган Ўзбекистонда бундай солиқ чегирманинг меъёри солиқ солинадиган фойданинг 30 фоизини ташкил қиласди.

АҚШда ИТТКИларга учун тадқиқот солиқ кредитларини тақдим этади. Бу солиқ асосан асосий харажатлардан тадқиқот харажатлари ошиб кетган ҳолларда юз беради. Солиқ тўловчиларга қўйидаги солиқ имтиёзларидан фойдаланиш таклиф этилади. Анъанавий солиқ кредити – тадқиқот харажатларнинг 20 % миқдорида, таянч миқдоридан ошиб кетса, муқобил соддалаштирилган солиқ кредити – 14 % тадқиқот харажатларини ўз ичига олади. Мақсадли тадқиқот солиқ кредити – АҚШ қонунчилигида кўзда тутилган маҳсус турдаги тадқиқотлар учун солиқ кредитлари 20 фоиздан 50 фоизгача белгиланган.

## Жадвал

### Европанинг айrim давлатларида инновацион фаолият натижаларидан олинган даромадларга қўлланиладиган фойда солиғининг ставкалари [10]

Давлат номи	Корпорация солиғининг базавий ставкаси	Инновацион фаолият натижаларидан олинган даромадларга қўлланиладиган имтиёзли ставка
Бельгия	34 %	6,8 %
Франция	33,33 %	15 %
Венгрия	16 %	8 %
Голландия	20 - 25 %	5 %
Люксембург	28,8 %	5,76 %
Испания	30 %	15 %
Буюк Британия	20-26	10 %

Юқоридаги илмий тадқиқот фаолиятини рағбатлантириш механизмлардан биринчисига таъриф беришга ўтар эканмиз, таъкидлаш жоизки, бошқа аксарият мамлакатларда бўлгани каби солиқ солиш базасидан харажатларни чегириш тарзидаги имтиёз энг кенг қўлланиладиган механизмларидан бири ҳисобланади.

АҚШнинг солиққа оид қонун ҳужжатларида фундаметал илмий тадқиқотларга инновациялар учун алоҳида солиқ сийлови мавжуд.

Белгилаш зарурки, АҚШ солиқ тизими умумий йўналтирилганлик (солиқ чегирмалари ва солиқ сийловлари) механизмлари сифатида ҳам топ доирадаги солиқ имтиёзларини таргетлаш сифатида ҳам илмий тадқиқот фаолиятини кенг кўламли рағбатлантириш механизмларига эга.

Мамлакатимизда яқин истиқболда олиб бориладиган ижтимоий-иқтисодий жараёнларга муносиб тарзда, яъни “Янги Ўзбекистоннинг 2022-2026 йилларга мўлжалланган Тараққиёт

стратегияси” билан мос равища инновацион иқтисодиётда инвестицион салоҳиятни ошириш борасида маҳсус стратегиялар ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ, деб билдик. Бу ривожланиш стратегияларини амалга ошириш жараёнида инновацион иқтисодиётда инвестицион салоҳият фаол иштирокчилари ва вакиллари самарали фаолияти учун маъсул органларнинг ўрни муҳим аҳамият касб этади ва ҳар бир босқичда уларнинг иш фаолияти баҳоланиб борилиши мақсадга мувофиқдир. Босқичма-босқич ушбу стратегияларни амалга оширган тақдирда мамлакатимизда инновацион иқтисодиётда инвестицион салоҳият фаол иштирокчилари ва вакиллари самарали фаолиятини таъминлаш бўйича мукаммаллашган тажриба тўпланиб боради.

Жаҳон амалиёти таҳлили натижалари шуни кўрсатдиги, инновацион иқтисодиётда иқтисодий тизимларни ривожлантириш учун инвестиция фаолиятини фаоллаштириш учта сценарий бўйича амалга оширилиши мумкин: имитацион, радикал ва аралаш. Биринчиси, инвестиция капиталини жалб қилишга йўналтирилган бўлиб, унинг ёрдамида тайёр инновациялар ва қарзга олинган технологиялар асосида ўз моддий капиталини кенгайтирилган тақрор ишлаб чиқариш учун зарур институционал шароитлар яратилади.

Инновацион иқтисодиётни ривожлантириш зарурати нуқтаи-назаридан энг истиқболлиси, шубҳасиз, номоддий ресурсларни ривожлантириш ва улардан фойдаланиш сифатини оширишга эътибор қаратишни талаб қилувчи инновацион сценарийдир.

Қисқа муддатда инвестиция фаоллигини ошириш жараёнига иқтисодий тизимнинг барча субъектларини жалб қилишни талаб қилувчи аралаш сценарий реалдир.

Шу муносабат билан иш иқтисодиётнинг номоддий ресурсларини шакллантириш ва улардан фойдаланишнинг интеграциялашган моделини тақлиф қиласди, бу эса мажбурий (“юқоридан пастга” муносабатларни ўрнатиш) ва фаол (“пастдан юқорига” муносабатлари билан тавсифланади”), нафақат муайян иқтисодий тизим субъектлари, балки бошқа давлат ва халқаро ҳамжамиятнинг имкониятлари, манфатлари ва сўровларини ҳисобга олади.

Номоддий ресурслар, биринчи навбатда, ижодий фаолиятни амалга ошириш учун билим ва зарур компетенцияларни, жумладан, ижодий компонентни таъминлайдиган таълим тизимида шаклланади. Илмий сектор ва инновацион тадбиркорлик номоддий капиталнинг ўсиши учун муҳит яратади, чунки уларнинг иши ва жамоат фаолияти инновациондир.

Номоддий ресурсларни шакллантириш ва улардан фойдаланишни тартиба солиши функцияси давлат ҳокимияти органлари томонидан амалга оширилади. Халқаро ташкилотлар мамлакатларнинг инновацион иқтисодиётга тайёрлик даражасини белгилайди, миллый иқтисодиётларнинг инновацион ва интеллектуал салоҳиятини рейтинглар орқали баҳолайди.

Барча манфаатдор шахслар ва ташкилотлар мамлакатнинг номоддий ресурсларидан олдиндан белгиланган шартларда фойдаланиш имкониятига эга бўлиши керак.

**Хулоса ва тақлифлар.** Инвестицион салоҳиятни самарали бошқариш орқали мамлакатлар эришган муҳим ижобий натижалар сифатида қўйидагиларни ажратиб кўрсатиш мумкин: иқтисодий жиҳатдан қолоқ соҳаларни ривожлантириш; технологияларни модернизациялаш; янги “ноу-хай”ларни, технологияларни жойларда ўзлаштириш; ўз мутахассисларини ва ишчиларини меҳнатнинг, бошқарувнинг ва сотишнинг янгича усусларига ўқитиш ва ўргатиш; экспорт маҳсулотларини ишлаб чиқариш учун ўз хомашё ресурсларидан оқилона ва юқори самарадорликда фойдаланиш.

Инвестицион салоҳиятни самарали бошқариш жараёнларидаги давлат кўмагига оид замонавий хорижий тажрибаларининг қиёсий таҳлили унинг самарали таркибий қисмларини танлаш, уларнинг иқтисодий ва ташкилий салоҳиятини баҳолаш ва Ўзбекистон Республикаси амалиётида қўллаш зарурлигини асослаш имконини берди. Улар қаторида қўйидагиларни алоҳида таъкидлаш лозим:

- инвестицион ва инновацион салоҳият тараққиётига кўмаклашишга қаратилган давлат-хусусий шерикчилиги институти амалий фаолиятига эришиш;

- инвестициялаш обьектларининг ҳаётий цикли босқичидан келиб чиқиб давлат томонидан тартиба солиши воситаларининг табақалашуви;

- молиявий кўмак (грантлар, субсидиялар, солиқ имтиёзлари ва бошқалар), инфратузилмавий ҳамда ахборот таъминоти каби воситаларни ўз ичига олган инвестицияларни комплекс рағбатлантириш; хорижий инвесторга хизматлар ва имтиёзларнинг асосий турлари (ер, бинолар, грантлар ва бошқалар) билан таъминлашга қодир бўлган ихтисослаштирилган давлат тузилмасини яратиш;

- имтиёзлар олиш учун даъвогар бўлган инвесторларни танлаш мезонларининг аниқ тизимини белгилаш (шу жумладан: янги иш ўринлари яратиш, экспорт учун маҳсулот ишлаб чиқариш, маҳсулотларнинг янги турларини ўзлаштириш ва бошқалар);

- давлат ва муниципал инвестицияларнинг молиявий базасини кенгайтириш учун ҳокимият томонидан солиқсиз усуллардан фойдаланиш;

- давлат ва хусуий компаниялар ўртасида уларнинг инновацион фаолиятни молиялаштириш, давлат ресурсларини қайтариш принципи қўллаш бўйича шартномавий муносабатларни ташкил этиш;

- давлат тузилмалари томонидан келажакдаги инвесторлар учун зарур мухандислик инфратузилмасига эга бўлган худудларни тайёрловчи девелопер ролини бажариш; давлат, бизнес ва олий таълимнинг ўзаро алоқаларининг турли шакллари;

- инвестиция муҳитини яхшилаш, қўламини кенгайтириш ва инвестиция фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича давлат бошқарув фаолияти натижалари мониторингини ташкил этиш.

Ўзбекистонда инновацион фаолиятни рағбатлантиришни янада ривожлантиришда самарадорликни баҳолашнинг ривожланган хорижий мамлакатлар амалиётида кенг татбиқ этилган ва инновацион фаолият натижадорлигига биринчи дараҷада таъсир кўрсатадиган, ривожлантиришга йўналтирилган, ўзининг самарадорлигини исботлаган ва рағбатлантиришда қўлланилган янги самарали инструментларга таяниш зарур деб ҳисоблаймиз:

1. Инвестицион ва тадқиқот солиқ кредитини амалиётга жорий қилиниши корхоналар

инвестицион фаоллигини оширишда, инновацион фаолиятни рағбатлантиришда ва солиқ рағбатларининг самарадорлигини таъминлашда ҳамда бюджет даромадларидағи йўқотишларни ҳисобини прогнозлашда ва олдини олишда сезиларли натижаларга эришиш имконини беради.

2. Илмий тадқиқот фаолиятини солиқлар воситасида рағбатлантириш механизмини қўллашда фискал рағбатлантириш объектини аниқлаш учун мазкур фаолият турига харажатлар тушунчасига ва таркибига алоҳида эътибор қаратиш зарур. Шу сабаб, солиқ рағбатлари самарадорлигини ошириш мақсадида "технологик инновациялар" ҳамда "илмий тадқиқот фаолияти" тушунчасига ягона таъриф ва таркиби бўйича солиқка оид қонун ҳужжатларига тегишли қўшимчалар киритилиши таклиф қилинади.

3. Иқтисодиёти ривожланган мамлакатларда инновацион фаолиятни рағбатлантирувчи солиқ дастаклари етарлича жорий этилган бўлиб, улар бевосита иқтисодий ўсиш суръатларига самарали таъсир кўрсатмоқда. Халқаро тажриба ва республикамизнинг иқтисодий сиёсатининг устувор йўналишларидан келиб чиқиб, миллий солиқ қонунчилигида инновацион фаолиятни рағбатлантирувчи солиқ дастакларининг жорий этилиши инновацион жараёнларни жадаллаштирилишида сезиларли натижаларга олиб келади

### ***Манба ва фойдаланилган адабиётлар:***

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий мажлисга Мурожаатномаси //Халқ сўзи 22.12.2017 йил.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 сентябрдаги "2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида"ги ПФ-5544-сонли Фармони. Конун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 22.09.2018 й., 06/18/5544/1951-сон.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги "2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси ни тасдиқлаш тўғрисида"ги №ПФ-60-сонли Фармони.
4. Дэниэлс Дж.Д., Радеба Л.О. Международный бизнес: внешняя среда и деловые операции.4-е изд. – М.: Дело ЛТД, 2014. 438с.
5. Доунс Дж., Гудман Дж. Э. Финансово-инвестиционный словарь. 3-е изд. М.: Инфра –М, 2017. – 255с.
6. Л.Гитман, М.Джонк Основы инвестирования. Пер.с анг.–5-изд. М.: Дело, 2016. с.642
7. Moore M., Schmitz H. Idealism, realism and the investment climate in developing countries – Sussex: Institute of Development Studies, 2016 – p.22
8. Balabanov I.T. Innovatsionniy menedjment. – Spb.: Piter, 2001.S. 41.
9. Borisov A.B. Bolshoy ekonomicheskiy slovar. – M.: Knijnyj mir, 2019. S. 185.
10. Mediynskiy V.G. Innovatsionniy menedjment. – M.: INFRA-M, 2012. S. 28.
11. Glushchenko V.V., Glushchenko I.I. Issledovanie sistem upravleniya: sotsiologicheskie,ekonomicheskie, prognozniye, planovkiye, eksperimentalniye issledovaniya. 2-e izd. – M.:OOO NPS «Kriylya», 2019. S.30.
12. Fatxutdinov R.A. Innovatsionniy menedjment. – Spb.: Piter, 2004. S. 19.
13. Popov V.L. Upravlenie innovatsionnymi proektami. Uchebnoe posobie. – S.:INFRA-M, 2009. S.11.(S. 337)
14. Gimush R. I., Matmurodov F. M. Innovatsion menejment: Iqtisodiyot olyi o'quv yurtlari uchun o'quv qo'l. – T.: O'zbekiston faylasuflari milliy jami-yati nashriyoti, 2008. B.10. (144 b.)
15. Toshmurodova B.E., Jiyanova N. Innovatsion faoliyatni moliyaviy rag'batlantirish.O'quv qo'llanma. – T.: IQTISOD-MOLIYA, 2006. B. 11. (110 b.)
16. Leontev L.I. Opityt stimulirovaniya innovatsionnoy deyatelnosti za rubejom. / L.I.Leontev // Innovatsii. -2003. № 4 str. 87.